

БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматов Акмалжон Анваржонович

“Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи

+998 (99) 602 79 49

Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда тижорат банклари фаолиятини рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини ташкил этиш ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб уларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир. Мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бугунги кунда банклар ривожининг асосий элементи бўлган–рақамли технологияларни ривожлантириш, уни тадбиқ қилиш, банк хизматларини такомиллаштириш йўллари келтирилган. Тадқиқот натижасида банкларда рақамли технологиялардан фойдаланиш муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этишининг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган. Банк инновацияларини такомиллаштириш бўйича етакчи олимлар фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек, банк тизимини рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банк, инновация, рақамлаштириш, трансформация.

БАНК В ПРОЦЕССЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ ИННОВАЦИИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ

Маматов Акмалжон Анваржонович,

Начальник управления HR департамента АКБ “Агробанк”

Телефон: +998 (99) 602 79 49

Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Сегодня в условиях цифровизации коммерческих банков одной из важных задач является организация банковских инноваций и их совершенствование с использованием имеющихся возможностей. В статье представлены пути развития цифровых технологий, их внедрения и совершенствования банковских услуг, что является основным элементом развития банков на сегодняшний день в условиях цифровизации экономики. В результате исследования были изучены проблемы использования цифровых технологий в банках, а также выявлены перспективные направления их устранения. Анализируются мнения

ведущих ученых о совершенствовании банковских инноваций. Также сформулированы предложения и рекомендации по совершенствованию банковских инноваций в условиях цифровизации банковской системы.

Ключевые слова: банковское дело, инновации, цифровизация, трансформация.

THE BANK AND THE PROCESS OF DIGITALIZATION OF THE BANKING SYSTEM INNOVATION IMPROVEMENT

ABSTRACT

Today, in the context of digitalization of commercial banks, one of the important tasks is to organize banking innovations and improve them using existing opportunities. The article describes ways to develop, implement and improve banking services, which is a key element of the development of banks today in the context of digitalization of the economy. As a result of the study, the problems of using digital technologies in banks were studied, and promising areas for their solution were identified. The views of leading scientists on improving banking innovation were analyzed. Also, proposals and recommendations for improving banking innovation in the context of digitalization of the banking system were formed.

Key words: banking, innovation, digitization, transformation.

КИРИШ

Маълумки, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида инновациялар муҳим ўрин тутди. Иқтисодий адабиётларда “Инновацион-ахборот тизими” тушунчаси мавжуд бўлиб, у инсон ва ахборот ресурсларининг ўзаро таъсири имкониятларини кенгайтиради, бу орқали эса инновациялар ўсиб боради ва тизим ривожланади. Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида инновациялардан кенг фойдаланилмоқда, бу эса қўшимча имкониятларни очиб бермоқда. Хусусан банк тизимида рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириб, хизматлар қўламини ҳамда сифатини яхшилашга тўртки бўлмоқда.

Инновацияларни самарали жорий қилиш ва амалга ошириш учун банклар ушбу соҳадаги мақсадли ишларнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиб, унга турдаги инновациялар учун аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олишлари керак. Ички жараёнларни рақамлаштириш режасисиз, технологик инновациялар билан самарали ишлашнинг иложи йўқ. Маҳсулот инновациясининг асосий омили бўлган янги инновацион маҳсулотларни бозорга киритиш учун зарур бўлган тезликни таъминлаш учун шериклилик алоқаларини яратиш ва инсонларда зарур бўладиган кўникмаларни ҳосил қилишни таъминлаш зарур. Бизнес моделларини яратишда инновациялардан

фойдаланган ҳолда банкдан ташқари даромад манбаларини кўпайтиришга эътибор қаратиш лозим. Марказий банк тижорат банкларига инновацияларни қўллаш учун қулай муҳитни яратишда давом эттириш ва молиявий инфратузилмани, шу жумладан, акселераторлар ва бизнес-инкубаторлар каби банк сектори учун ноанъанавий институтларни фаол қўллаб-қувватлаш орқали ушбу жараёнларга ижобий таъсир ўтказиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Инновацияларга классик таърифни П.Друкер ва Б.Сантолар бериб ўтишган. Уларнинг фикрига кўра, “инновациялар – тадбиркорлар томонидан янги бизнес ёки хизматни йўлга қўйиш учун инструмент ёки восита”. Б.Санто инновацияларни ижтимоий, техник, иқтисодий жараёнларда ғоялардан амалий фойдаланиш орқали ихтироларнинг энг яхшисига олиб келади ва бу орқали унинг бозорда фойда олиб келиш имкониятлари ошади деб эътироф этади.

И.Ли ва Й.Шинлар тадқиқотларида банк секторидаги технологияларнинг ривожланиши анча олдин бошланган бўлиб, бугунги кунга келиб банкларнинг анъанавий услубини ўзгартириб юборганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, улар замонавий технологиялар ҳатто банкларнинг бизнес моделига таъсирини ўрганган ҳолда ушбу анъанавий молия институтларининг шу пайтгача бўлган барқарор даромадига таъсир кўрсатмоқда дея эътироф этишади. Польшалик олим М.Залеска эса, технологик инновацияларга сармоя киритишдан қўрқмайдиган ва ўз тузилмаларида самарали фаолият юритиш амалиётини йўлга қўядиган банклар ўзларининг бозордаги мавқеини сақлаб қолишлари ва ҳатто ноёб рақобат устунлигини яратишлари мумкин деб фикр билдиради.

И.Балабановнинг таъкидлашича, “Банк инновацияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, янги банк маҳсулоти ёки операция шаклида амалга оширилади”. О.Лаврушиннинг фикрича, “Банк инновацияси синтетик тушунча бўлиб, янги банк маҳсулотлари ва хизматларини, ресурс салоҳиятини шакллантириш ва жойлаштириш учун қулай шароит яратиш жараёнида даромад олиш ёки ҳамкор миқозларга фойда олишга ёрдам бериш” деб таъкидлаб ўтган. Шунингдек, М.Тангишов тадбиркорлар тижорат банклари томонидан тезкор, сифатли, арзон ва хавфсиз тўловларни амалга оширилишни хоҳлашларини инобатга олиб тижорат банклари фаолиятида банк маҳсулотлари ва сифатини оширишда инновацион ёндашув асосида ташкил этишни эътироф этади.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан, иқтисод фанлари доктори, профессор, Н.Х.Жумаев “Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни

камайтиришга, натижада эса, оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамлииктисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади” деб таъкидлаган.

Ф.Ў.Додиев ва Д.Р.Юсуповаларнинг фикрига кўра, “Республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари ўз фаолиятларини инновацион ривожлантиришга қаратаётган бир вақтда, молиявий технологияларни қўллаган ҳолда банкхизматларини кўрсатиш талаб даражасида эмас ва банкларнинг ИТ-платформалари молиявий хизматларни кўрсатувчи майдончага тўлиқ айланмаган”.

О.Меликов эса, “Банк технологиялари деганда банк фаолиятини амалга оширишга қўллаб-қувватлашнинг энг янги ёндашувлари, усуллари, воситалари йиғиндиси тушунилади” дея эътироф этади.

А.Хакимов банк секторидаги инновацион фаолият ва мазкур соҳадаги стратегияларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш учун, таҳлиллар фундаментал иқтисодий омилларни ўрганишдан бошланиши лозимлигини қайд этиб ўтган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, инновациялар ва хусусан банк инновацияларининг иқтисодий-ижтимоий моҳияти атрофида бир талай фикрлар берилганлигига қарамай, бу жараёнларни амалга оширишда айрим қийинчиликлар ва камчиликлар мавжуд. Шу боис банк инновацияларини ривожлантиришни илмийназарий жиҳатдан асослаб бериш иқтисодчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча банк инновациялари иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан юқори аҳамиятга эга бўлган инструмент сифатида, янги технологиялардан фойдаланилган ҳолда, банк томонидан миқдорларига қулай, ихчам, оммабоп хизматлар мажмуи саналади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг корхоналар фаолиятида банк инновациялари ва уларни рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Рақамли иқтисодиёт шароитида банк инновациялари янги маҳсулот ва хизматларни яратиш, янги филиаллар ва хизматлар марказларининг


оммавийтартибда очилишига замин яратмоқда. Бу орқали эса, банк хизматларини кўрсатиш моделида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бунинг натижасида эса тизим ҳолати сифат жиҳатидан яхшиланишини ва янги босқичга олиб чиқиш имкониятларини очмоқда.

«Рақамлаштириш» атамаси ахборотни рақамли шаклга ўтказишни англатади. Бироқ, бизнес соҳасида эса рақамлаштириш операцион моделлардаги ўзгаришнингикки турини билдиради: Биринчиси – алоқаларни рақамли каналга ўтказиш; иккинчиси – доимий операцияларни автоматлаштириш. Бу ўзгаришлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолат бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси банк сектори ривожланган мамлакатлардаги банк сектори каби олдинга қараб интилмоқда. Хизмат кўрсатиш моделлари рақамли технологиялар (сунъий интеллект, блокчейн, P2P кредитлаш), шунингдек, интергациялашган тармоқ иқтисодиётининг ривожланиши натижасида сезиларли даражада ўзгармоқда. Секторга банкдан ташқари иштирокчиларнинг кириши учун тўсиқлар йилдан-йилга камайиб, телекоммуникация ва IT компаниялари ўзвakoлатларидан келиб чиққан ҳолда, молиявий хизматлар ва маҳсулотларни банк секторига интеграциялашувини кенг йўлга қўймоқда. Банк инновацияларига бўлган талаб асосан унинг истеъмолчилари томонидан белгиланади. Истеъмолчиларнинг асосий талаблари – банк операцияларини бажаришвақтини қисқартириш, уларни 24/7 режимда ишлаш имконияти, банк маҳсулотлари ва хизматларидан янада қулай фойдаланиш, ягона банк интерфейсидан фойдаланган ҳолда банк хизматлари билан бир қаторда бошқа хизматлардан ҳам фойдаланиш имкониятларини оширишдан иборат. Ушбу талаблар банкда инновацияларни ривожланишига туртки бўлмоқда.

Бугунги кунда янги технологиялар, ғоялар ва моделларнинг ривожланиш суръати жуда юқори, шу сабабли, рақобатбардошлилик шароитида ва миждозларни сақлаб қолишнинг асосий омиллари бу – хизматларнинг сифати ва уларни бозорга чиқариш тезлиги ҳисобланади. Банк сектори бу – рақамли ва технологик инновацион ечимларни жорий этишни жонлантирувчи кучи ва бошқа тармоқларга кадрлар етказиб берувчиси бўлиб ҳисобланади. Рақамли трансформацияни амалга ошираётган йирик тижорат банклари ўзлари яратган тизим доирасида кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш имкониятлари мавжуд бўлади. Ўрта ва кичикроқ банklar эса йирик банklarнинг тизимларидан ташқари сегментлашган иштирокчиларга айланади. Банкдан ташқари иштирокчилар (телекоммуникация ва IT компаниялар) тобора

кўпроқ молиявийхизматлар кўрсатадилар ва анъанавий банкларнинг тўлақонли рақобатчисига айланадилар .

Мижозлар эса ўз навбатида, хизмат кўрсатувчи банкларида телекоммуникация, чакана савдо, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига оид кўшимча хизматларни олиш имкониятлари очилади. Таклифлар эса хусусийлаштирилади, банкмалиётлари тезлиги сезиларли даражада оширилади 1-расм. Банк сектори мақсадли ривожланишининг кўриниши




Молиявий технологик компаниялар ва нобанк ташкилотлар сонининг ортиши натижасида, соҳада рақобат кучаймоқда. Бунинг натижасида анъанавий банк хизматларининг рентабеллик даражаси пасайиб бормоқда ва бозор иштирокчилариолдида янги даромад манбаларини излаш масаласи турибди. Янги даромад манбаи эса рақамли банк маҳсулотлари ва IT компаниялари билан ҳамкорликда яратилганинновацион маҳсулотларда бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда банк секторининг рақамли трансформацияси учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида йилдан йилга масофавий хизмат кўрсатиш каналларидан фойдаланувчи мижозлар сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда мобил ва интернет банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 2020 йил 1 январ ҳолатига 10 153,4 мингтани ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич қарийб 3 баробарга ошиб, 30 001 мингтани ташкил этган.

Бироқ, мамлакатимизда масофавий банк хизматларининг қамраб олиш даражаси ҳанузгача интернет билан қамраб олиш даражасидан ортда қолмоқда. Бу эсамасофавий банк хизматлари билан қамраб олиш даражасини жиддий ўсишига ҳалисалоҳият ва имконият бор эканлигини англатади. Ўзбекистонда тижорат банкларининг миждозларга хизмат кўрсатишда рақамлаштириш жараёнларини жадаллашувиға кўплаб омиллар ёрдам беради. Шу жумладан, интернет билан қамраб олиш даражасининг ошиши.

2-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони



Мамлакатимизда кенг функционаликға эға замонавий, қулай мобил ва онлайн иловалар бугунги кунда кенг тарқалган. Республикаимиз банклари томонидан миждозларға мобил иловаларни тақдим этиш жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари банклари қатори банк операцияларини амалға ошириш имконини бермоқда. Хизмат кўрсатиш йўналишиға қараб, миждозларнинг аксарияти 50 %и масофавий банк хизматларидан (шундан 20% и интернет банкинг, 15 %и мобил банкинг ва 45 %и ҳар иккала платформадан) фойдаланади. Бугунги кунда иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида банк хизматларининг янги технологиялар ёрдамида кўрсатилиши аллақачон даврнинг асосий талаби бўлиб ҳисобланади.

Банк соҳасидаги хизматлар инновацияси йирик маълумотларни таҳлил қилиш, илғор таҳлиллар ўтказиш, сунъий интеллект, ва блокчейн каби технологик ва рақамлитенденцияларга асосланади, бу эса, воситачилар иштирокисиз операцияларни амалга ошириш имконини беради. Айнан янги инновацион технологиялар ёрдамида янги тижорат салоҳиятига эга сервислар, имкониятлар ва хизматлар яратилмоқда. Бу эса олдинги анъанавий банк хизматларини кўрсатишда юридик ва жисмоний шахсларнинг айнан ўзлари қатнашиши талабларини бекор қилиб, онлайн тизим орқали керакли хизматлардан фойдаланиш имкониятини бермоқда.

Банкларда инновацион хизматлар яратилишининг асосий мақсади бўлиб, янги мижозларни жалб қилиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш ва шу билан бирга мавжуд мижозларни сақлаб қолишдан иборат. Ҳозирги кунда банкларда ҳисобрақам очиш банк пластик картасини эмиссия қилиш олдингидек узоқ муддат талаб этмайди ва бир банк иш кунида ушбу амалиётларни бажариш мумкин.

Банклараро амалиётлар шу жумладан пул кўчириш амалиётлари бир неча дақиқаларда амалга ошмоқда. Ушбу амалиётларнинг бажарилиши тезлигининг ошиши мижозларга қулайликлар яратиб банкга бўлган ишончининг ошишига сабаб бўлди.

Шу сабабли банклар мижозларни сақлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилиш учун янги замонавий инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада жуда кўпчилик банклар, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида, уларнинг банкга ташрифини сезиларли даражада камайтириш учун масофавий хизматлар кўламини ошириб онлайн ариза топшириш, ҳисобрақам қолдиғини масофадан туриб бошқариш имкониятини берувчи иловалар сонини оширишга интилишмоқда. Банклар мижозларнинг биометрик маълумотларига асосланган ҳолда масофадан туриб уларни идентификация қилиш имконига эгадирлар. Бунинг натижасида эса банкда янги ҳисобрақам очишда мижоз ва банк ўртасида масофадан туриб шартнома тузиш имконияти беради.

Банклар инновацион хизматлар ҳажмини оширишлари учун мунтазам равишда янги ғоялар ва янги технологиялардан фойдаланишлари зарур бўлиб ҳисобланади. Тижорат салоҳиятига эга янги ғоя ва хизматларни таклиф этиш учун тижорат банклари доимий равишда трендларни доимий равишда кузатиб бориш, мижозлар талабини аниқлаш каби ҳал қилувчи омилларни ўрганиб, таҳлил қилиб боришлари лозим.

Бундан ташқари, бозорга янги маҳсулот ва хизматларни чиқариш тезлиги маҳсулот ва хизматлар инновациясини ривожлантириш учун жуда муҳимдир: банк бозорга янги инновацион маҳсулот ва хизматларни қанчалик тез олиб кирса, у шунчалик рақобатбардош устунликларга эга бўлади. Банклар IT компаниялари билан ҳамкорлик қилиш орқали ўз маҳсулотлари ва хизматларини бозорга олиб чиқиш жараёнларини тезлаштиришлари мумкин.

Тижорат банклари учун рақамли трансформациянинг асосий мақсади бу – харажатларни камайтириш ва амалиётларни тезлаштиришдир. Анъанавий банк хизматларини рақамлаштириш орқали янги филиалларда маҳсулот ва хизматларни сотиш нархини 40-60%га камайтириш имконини беради. Инновацион ривожланишнинг энг муҳим йўналишларидан бири инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, инновацияларни аутсорсинг қилиш ва ҳамкорликнинг бошқа шаклларида IT компаниялар билан ҳамкорликни ташкил этиш ҳисобланади.

Фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни тўплайдиган, уларни кредитга лаёқатлилигини, тўлов қобилиятини баҳолаш учун тақдим этувчи компаниялар тижорат банкларининг муҳим ҳамкорига айланмоқда. Бундай ҳамкорлик шартномалари ҳар бир тижорат банки томонидан имзоланиб амалиётга жорий қилиб борилиши соҳадаги қулайликларни ошишига олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Банк секторини инновацион ривожлантириш бир қатор муҳим омилларга боғлиқдир. Банклар ўз стратегиясини қайта кўриб чиқишлари ва кейинги ривожланиш йўналишларини белгилашлари керак. Катта эҳтимол билан, йирик банклар учун бу тизим кўринишидаги бизнес жараёнларини кейинчалик ўзгартириш ва яратиш билан боғлиқ тўлиқ қамровли рақамли трансформациядир. Етарли капиталга эга бўлмаган бошқа банклар учун энг тўғри ечим хорижий инвестициялар асосида асосий хизматларни тақдим этиш бўлиши мумкин. Ҳар бир банк инновациялар билан ишлаши учун унинг ичида қулай муҳит яратилиши лозим. Бунга эса қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

1. Аниқ стратегия ва натижага йўналтирилган мақсадни белгилаш. Рақамли трансформация дастури қуйидаги элементларни ўз ичига олиши керак: улкан мақсадлар, янги бизнес моделларини яратиш ва ривожлантириш жараёни, дастурни амалга ошириш харажатларининг аниқ ҳисоби, рақамлаштириш тадбирлари ва рақамли трансформациядан келиб чиқадиган хавфларни аниқлаш. Шунинг учун стратегия учта турдаги инновациялар учун ривожланиш

режасини ўз ичига олиши керак: маҳсулот, жараён ва бизнес модели инновацияси.

2. Ҳамкорлик шартномаларини тузиш. Банклар, молиявий технологик компаниялар, нобанк ташкилотлар, телекоммуникация ва IT компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантириш. Шунингдек, Марказий банк билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали инновацияларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда тартибга солувчи сифатида хизмат қилиши мумкин. Банклар стартаплар бозоридаги лойиҳаларни диққат билан кузатиб бориши ва баҳолаши, энг истиқболлиларини аниқлаши ва уларни сотиб олиши ёки улар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини яратиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли банк деганда маҳсулот ва хизматларнинг аксарияти рақамли (электрон) шаклда тақдим этиладиган банк сифатида тушунилиши мумкин. Шу билан бирга, унинг мижозлари банк билан кундалик мулоқотда асосан рақамли каналлардан фойдаланадилар. Бундай банкнинг инфратузилмаси реал вақт режимида рақамли ўзаро алоқалар учун оптималлаштирилган ва технологик ўзгаришларнинг юқори тезлигини назарда тутди.

REFERENCES

1. Megargel A., Shankararaman V., Reddy S. K. Real-time inbound marketing: a use case for digital banking /Handbook of Blockchain, Digital Finance, and Inclusion. AcademicPress, 2017. P. 311–328.
2. Друкер П. Бизнес и инновации. / пер.с.англ. – М.: ИД «Вильямс», 2009. – 432с.
3. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. – М.: Прогресс, 1990.
4. Lee I., Shin Y.J., 2018, Fintech: Ecosystem, business models, investment decisions, and challenges, Business Horizons ,61. URL: https://www.researchgate.net/publication/320365249_Fintech_Ecosystem_business_models_investment_decisions_and_challenges
5. Zaleska M., 2018a, Blockchain technology will revolutionise the world, Polish Market, URL:https://www.researchgate.net/publication/336893761_Theory_and_practice_of_innovation_development_in_the_banking_sector
6. Банковский менеджмент. Учебник / Под ред. д.э.н., проф. О. И. Лаврушина. 3-е изд., перераб. и доп. М.: КноРус, 2016.
7. Викулов В.С. Концептуальный подход к разработке инновационной стратегий коммерческого банка // Финансовый менеджмент. 2018. №5. С. 106–121.

8. Тангишов М. (2015). Инновацион банк маҳсулотлари: банклар учун энг долзарб масала. //Бизнес-эксперт. №6(90).
9. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyotigarovidir>
10. Dodiev F., Yusupova D. INNOVATIVE DEVELOPMENT OF BANKS IN UZBEKISTAN //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 5. – С. 9.
11. Меликов О.М. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари. //”Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, июл-август, 2021. – 12-б.
12. Ҳакимов А.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг инновацион фаолияти. //”Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябр-октябрь, 2021. – 317-б.
13. Абдрахманова Г. И., Вишневский К. О., Гохберг Л. М. и др. Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение: доклад к XX Апрель. междунар. науч. конф. по проблемам развития экономики и общества, Москва, 9–12 апр. 2019 г. М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2019. 82 с.
14. Mujinga M., Eloff M. M., Kroeze J. H. System usability scale evaluation of online banking services: A South African study // South African Journal of Science. 2018. Vol. 114. No. 3/4. URL: <https://doi.org/10.17159/sajs.2018/20170065>.
15. Марказий банкнинг Статистик бюллетени – 2021 йил. URL: <https://cbu.uz/upload/medialibrary/9c4/Markaziy-bankning-statistik-byulleteni-2021-yil.pdf>